

**ПАХТА ТОЗАЛАШ КОРХОНАЛАРИДА ЎРТА ТОЛАЛИ ПАХТАДАН ИШЛАБ
ЧИҚАРИЛГАН ТОЛАНИ ТОЗАЛАШДА ТОЗАЛАГИЧЛАРНИНГ АНАЛИТИК
ТАХЛИЛИ**

т.ф.н., Р.Ш. Сулаймонов, М27-17 гуруҳ магистранти С.М. Мамажонов
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

Мақолада тола тозалагичларнинг самарадорлигини, толанинг сифатини, ажралаётган чиқиндининг толадорлигини бошлангич ва жин тарновидаги пахтадан, жиндан ва тола тозалагичлардан кейинги толадан ҳамда толани тозалашда ажралаётган чиқинди миқдори аниқланилди.


В статье определены производительность волокноочистителя, качество волокна, волокнистость и количество отходов при очистке волокао хлопка-сырца из джина, до и после волокноочистителя.

The article identifies the performance of the fiber cleaner, the quality of the fiber, the fiber content and the amount of waste during the cleaning of the raw volokao cotton from gin, before and after the fiber cleaner.

Ўтган асрнинг 70 йилида Республикада кенг йўналишда пахтани машина ёрдамида териб олиш ишлари олиб борилган. Машина ёрдамида терилган пахтанинг ифлослик даражаси юқори бўлган. Пахтани тозалаш технологик тизимидаги ускуналар пахта таркибидан йирик ва асосан майда ифлосликларни керакли миқдорда ажрата олмаганлиги оқибатида аррали жинга берилаётган пахтанинг ифлослик даражаси юқори бўлиб, ўртача 2,0-2,5 % ни ташкил этган. Жинланган толанинг ифлослиги ўртача 3,8-4,6 % бўлиб, ишлаб чиқаришда ишлатилаётган ОВП ва ОВП-У русумли бир барабанли тола тозалагичлар конструкцияси жихатидан ифлослиги юқори бўлган толани тозалашда тозалаш самарадорлиги паст бўлган [1]. Ишлаб чиқарилган тола эса истеъмолчининг сифатли толага бўлган талабини тўлиқ қондира олмаган. Тола сифатини яхшилаш мақсадида бир барабанли тола тозалагичлар ўрнига ишлаб чиқаришга уч барабанли тўғри оқимли ЗОВП русумли тола тозалагичлар жорий этилган. Уч барабанли тола тозалагичларда машина ёрдамида териб олинган пахтанинг толасини тозалашда тозалагичнинг тозалаш самарадорлиги ўртача 30-40 % ни ташкил этиб, ишлаб чиқарилган толанинг сифати яхшиланган [1].

2001 йилга келиб, машина ёрдамида пахтани териб олишнинг кескин камайганлиги, пахтани қўл билан териш олиш кенг йўлга қўйилганлиги ва тола тозалагичларга сарфланаётган электр энергиясини тежаш мақсадида уч барабанли ЗОВП русумли тозалагичлар бир барабанли 1ВПУ русумли тўғри оқимли тозалагичларга алмаштирилди. Тозалагич конструкциясига кўра тола қабул қилувчи бўғиз 1, аррали цилиндр 2, маҳкамловчи чўтка 3, колосниклар 4, тола йўналтирувчи щит 5, жалюзали панжаралар 6, чиқинди камераси 7, ажратувчи пичоқ 8 ва тола ташувчи бўғиз 9 дан иборат (1-расм). Ишлаб

чиқаришда 1ВПУ тозалагичнинг ишлатилиши 3ОВП тозалагичга қараганда 11,0 кВт/соат электр энергияни ва қўшимча металл сарфини тежалишига олиб келди. Лекин пахта қўл билан терилса ҳам пахтанинг ифлослиги юқори бўлганлиги сабабли 1ВПУ тозалагичдаги бир дона аррали цилиндр ва унинг остига ўрнатилган 4 дона колосниклар толани тозалашда тола таркибидан йирик ва майда ифлосликларни керакли миқдорда ажрата олмаганлиги оқибатида тозалагичнинг тозалаш самарадорлиги паст бўлиб, юқори навли пахтадан “Олий” синфга мансуб сифатли тола ишлаб чиқарилишида ўзига хос муаммоларни юзага келтирди [2]. 1ВПУ тозалагичларнинг ишлаб чиқаришдаги ҳолатини ўрганиш учун тадқиқот ишлари Қорасув, Уйчи, Боғдод, Каттакўрғон, Қумқўрғон пахта тозалаш корхоналаридаги юқори ва паст навли пахтадан ишлаб чиқарилган толаларда ўтказилди. Тадқиқот ишлари даврида тозалагичларнинг самарадорлигини, пахтанинг ва ишлаб чиқарилаётган толанинг сифатини, ажралаётган чиқиндининг толадорлигини аниқлаш учун бошланғич ва жин тарновидаги пахтадан, жиндан ва тола тозалагичлардан кейинги толадан ҳамда толани тозалашда ажралаётган чиқиндидан намуналар олиниб, корхона лабораториясида тахлил этилди. Тахлил натижалари аниқ бўлиши учун намуналар 9 марта такрорланиб, натижаларининг ўртачаси олинди.



1-тола қабул қилувчи бўғиз; 2- махкамловчи чўтка; 3- жалюзали панжаралар;
4- чиқинди камераси; 5-колосниклар;6-аррали цилиндр;7- ажратувчи
пичок;8- тола ташувчи бўғиз1- расм. 1ВПУ русумли тола тозалагичнинг
схемаси

Тахлил натижаларида қийин тозаланувчан I ва II навли пахтани жинлашдан ишлаб чиқарилган толани тозалашда тозалагичларнинг тозалаш самарадорлиги ўртача 21,0 % ва 24,2 % га тенг бўлиб, ишлаб чиқарилган толадаги нуқсонлар ва ифлос аралашмаларнинг массавий улуши ўртача 2,3 % ва 2,82 % ни ташкил этганлиги кўринмоқда. Толани тозалашда чиқиндининг толадорлиги тозалагич техник тавсифига қараганда I ва II навлар учун 1,8 % ва 4,4 % га юқори бўлиб, 26,8 % ва 29,4 % ни ташкил этди. Ишлаб чиқарилган тола I ва II нав бўлишига қарамасдан тозалагичдан кейин толада ифлослик даражаси юқори бўлганлиги учун O'zDst 604 "Пахта толаси", "Техник шартлар" бўйича "Яхши" синфга мансублиги аниқланди.

III ва IV навли пахталардан ишлаб чиқарилган толани тозалашда тозалагичларнинг тозалаш самарадорлиги ўртача 25,0 % ва 26,1 % ни ташкил этиб, тозаланган толадаги нуқсонлар ва ифлосликларнинг массавий улуши ўртача 2,94 % ва 3,25 % га тенг бўлди. Толани тозалашда чиқиндининг толадорлиги ўртача 33,6 % ва 34,2 % ни ташкил этиб, тозалагич техник тавсифидаги паст навли толани тозалашда талаб этилган чиқинди толадорлигига қараганда 3,6 % ва 4,2 % га юқорилигини кўрсатди.

Юқори ва паст навли пахталарни жинлашдан ишлаб чиқарилган толани тозалашда тозалагичнинг тозалаш самарадорлигининг камлиги, ишлаб чиқарилган тола сифатининг пастлиги, толани тозалашда ажралаётган чиқинди толадорлигининг техник тавсифидан юқори эканлиги, тозалагичдаги колосниклар конструкциясига асосан қийин тозаланувчан пахта толасини тозалашга мосланмаганлигидир. Оқибатда юқори навли пахталарни жинлашдан ишлаб чиқарилган толаларни тозалашда "Олий" синфга мансуб толаларни ишлаб чиқарилиши камайишини юзага келтирмоқда.

Тозалагич самарадорлигини ошириш орқали юқори навли пахталардан O'zDst 604 "Пахта толаси", "Техник шартлар" бўйича "Олий" синфга мансуб толаларни ишлаб чиқарилишини кенгайтириш мақсадида IВПУ тозалагичнинг тозалаш жараёнига таъсир этувчи асосий ишчи қисмларини такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Пахтани дастлабки ишлаш бўйича справочник. Ф.Б. Омоновнинг умумий таҳрири остида. Тошкент, "Voriz nashriyot" MChJ, 2008 й., 416 б.
2. Справочник по первичной обработке хлопка. Книга I, Ташкент – "Меҳнат"- 1994 г., 574 с.
3. Р.Ш. Сулаймонов, Б.Х. Маруфханов, У.Қ. Каримов. Муқобил тола тозалаш жараёнини барпо этадиган такомиллаштирилган конструкцияли тола тозалагични ишлаб чиқиш. Илмий ҳисобот "Paxtasanoat ilmiy markazi" AJ, Тошкент, 2016 й., 39 б.